

| |
|----------------------|
| Reçu CLT / CIH / ITH |
| Le 24 MARS 2015 |
| N° 0256 |

Extract from the updated National ICH List of Uzbekistan

03.02.01. Navruz

Navruz – common holiday of people of the East, as ICH is one of the most ancient components of human culture. Annually, the people of Uzbekistan, celebrate Navruz on 21-22 of March, whereby the holiday itself lasts for several days that is connected to traditional rituals and customs celebrated before and after Navruz in honour of the first flower, rite of the first furrow, feast of tulip, customs with regard to preparation of traditional seasonal food – *sumalak*, *halim*, *kok somsa* (type of traditional patty filled with herbs), *kok chuchvara* (fried dumplings filled with herbs) etc., entertainments and open air celebrations, open-air bazaars (where sweets, national foods are sold), fairs of folk crafts. During Navruz in the villages and *mahallas* a common repast on the occasion of holiday is organized. Folk singers and musicians show their skills, folk songs and instrumental music, associated with Navruz are heard everywhere, masters of spectacular arts – rope-walkers, puppeteers, *maskharaboz*, *askiyachi*, solo and group dancers, *kopkari*, *kurash* – folk wrestling, races, cockfight and sheep fights. Exactly in Navruz it is possible to observe a cultural diversity and creativity of all people of the republic, and it promotes mutual respect of all people, their live in harmony and care for own cultural heritage. Navruz is celebrated in all *makhallas* of Uzbekistan and combines all main directions of ICH.

Navruz is registered on the Representative List of the ICH of Humanity (2009) and since 2010 March 21 is declared by UN as the International Day of Navruz.

Ўзбекистоннинг Номоддий маданий мерос объектларининг янгиланган миллий рўйхатидан кўчирма

03.02.01. Наврӯз

Наврӯз – Шарқ халқларининг умумий байрами, номоддий маданий мерос сифатида инсоният маданиятининг энг қадимги таркибий қисмларидан биридир. Ўзбекистонда Наврӯз хар иили 21-22 мартда нишонланади, байрам нашидаси эса ундан олдин ва кейин ўтказиладиган “биринчи гул”, “илк жўяқ”, “лола сайли” каби турли анъанавий маросим ва удумлар ҳамда сумалақ, ҳалим, кўк сомса, кўк чучвара сингари мавсумий таомларни пишириш одатлари, томоша ва оммавий сайиллар, ширинлик ва миллий пишириклар сотиладиган бозорлар, миллий ҳунармандчилик ярмаркалари туфайли бир неча кун давом этади. Наврӯзда қишлоқ ва маҳаллаларда катта умумий зиёфатлар уюштирилади. Халқ хонанда ва созандалари, фольклор ва оиласвий ансамбллар ўз санъатларини намойиш этадилар, ҳар тарафда Наврӯз билан боғлиқ миллий куй ва оҳанглар янграйди, томоша санъати усталари – дорбозлар, қизиқчилар, қўғирчоқбозлар, масхарабозлар, аскиячилар, якка ўйинчилар ва рақс гурухлари чиқишилари бўлади, болалар ва катталар учун кўпкари, кураш, пойга, хўroz ва кўчқор уриштиришлар каби миллий ўйинлар уюштирилади. Айнан Наврӯз байрамида республикадаги барча халқларнинг маданий турфаҳиллиги, ижодини, барча халқларнинг ўзаро хурматини ва уларнинг маданий меросга бўлган эхтиёткорона муносабатларини кузатиш мумкин. Наврӯз Ўзбекистоннинг ҳамма худудларида ўтказилади ва номоддий маданий мероснинг барча асосий йўналишларини ўзида мужассам этади.

Шарқ халқларининг умумий миллий байрами бўлмиш Наврӯз Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатида қайд этилди (2009) ва 2010 йилдан бошлаб 21 март Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Халқаро Наврӯз куни деб эълон қилинган.



Extract from the updated National ICH List of Uzbekistan

Reçu CLT / CIH / ITH

Le - 1 AVR. 2015

Nº 0344

1. Name of element:

NAVRUZ, National holiday Navruz.

2. Date and number of inscription on National List:

“Navruz” is included in the National ICH List of Uzbekistan in 2008, under № 03.02.01. and updated on March 18, 2013 by the Republican Scientific-Methodological Center for Folk Arts under the Ministry of Culture and Sports of the Republic of Uzbekistan.

3. Domain(s) represented by the element:

- Oral traditions and expressions, including language as a vehicle of the intangible cultural heritage;
- Performing arts;
- Social practices, rituals and festive events;
- Knowledge and practices concerning nature and the universe;
- Traditional craftsmanship.

4. Date of inscription on UNESCO Representative List:

On September 28 - October 4, 2009 Navruz is inscribed into the Representative List of the ICH of Humanity (4.COM). Since 2010, March 21 is declared by UN as the International Day of Navruz.

5. Geographic range:

All regions of the Republic of Uzbekistan.

6. Representation by communities, groups and individuals.

All population of the Republic of Uzbekistan.

7. Organizations submitting this element (Letters of Consent):

Republican “Mahalla” Foundation – non-governmental organization, encompassing 9756 mahallas. Mr. Anvar Akhmedov is chairman of the Foundation. Address: 6, Mavaraunnahr street, Tashkent, 100000, Uzbekistan;

"Oltin Meros" International Charitable Foundation – non-governmental organization dealing with safeguarding of national heritage in local communities in Uzbekistan. Mr. A.Karimov is chairman. Address: 21, Qatortol street, Tashkent, 100113, Uzbekistan.

8. Description of the element:

Navruz is common holiday of people of the East, as ICH is one of the most ancient components of human culture. Annually, the people of Uzbekistan, celebrate Navruz on 21-22 of March, whereby the holiday itself lasts for several days that is connected to traditional rituals and customs celebrated before and after Navruz. During Navruz in the villages and *mahallas* a common repast on the occasion of holiday is organized. Folk singers and musicians show their skills, folk songs and instrumental music, associated with Navruz are heard everywhere, masters of spectacular arts – rope-walkers, puppeteers, *maskharaboz*, *askiyachi*, solo and group dancers demonstrate their arts. Exactly

in Navruz it is possible to observe a cultural diversity and creativity of all people of the republic, and it promotes mutual respect of all people, their live in harmony and care for own cultural heritage. Symbolically, Navruz is a great season of purification, spiritual renewal and reflection of eternal life. Navruz is celebrated in a time of year renewal, nature awakening, beginning of new labor season for peasants and farmers, rebirth of hopes and flourishing bush. Symbolically, Navruz is a great season of purification, spiritual renewal and reflection of eternal life.

Over the centuries, Navruz promotes values of cheerfulness, creativity, peace and solidarity, reconciliation and good neighborhood. Originally Navruz is connected with the Sun cult and traditions of observing stars.

Navruz is rich national holiday, which includes "flower celebrations" connected with tulips, roses, first snowdrops, "Last Wednesday" custom celebrated on last Wednesday of the year, collective volunteer work "Hashar" for cleaning irrigation ditches and planting new gardens, "Fool Cattle" custom in the beginning of the year, "Shoh moylar" – rite of the first ploughing, cooking traditional seasonal food – sumalak, halim, kok somsa (type of traditional patty filled with herbs), kok chuchvara (fried dumplings filled with herbs), entertainments and open air celebrations, flying kites, swing, fights of cocks, rams and camels etc. These customs and traditions have peculiar symbolic mean put on the great ideas of our forefathers. In Navruz ancient songs tunes become aloud, customs and traditions return.

Navruz is artistic value originated and developed due to ancient beliefs, vision and ideas, as well as our contemporaries' successes in building and creativity. Meanwhile Navruz is going towards coming generations becoming more beautiful and fuller, reviving its original elements due to wide spiritual reconstruction process taken place in the country.

Since 1992 after independence Navruz is widely celebrated every year as most significant and beautiful holiday of our people.

9. Measures to safeguard and promote the element:

Navruz holiday as well as appropriate customs and rituals, songs and melodies, Askiya and other spectacular performances, folk games, dances, handicraft are transmitted from generation to other generation, safeguarded and promoted by family, mahalla, districts, cities and regions, governmental and non-governmental organizations. Navruz is most popular holiday of multinational people of Uzbekistan, all the people – youth and old, children and teenagers, men and women, representatives of various nationalities participate in its celebration. The main means are TV- and radio programs, mass media, scientific research works, publishing articles and books.

10. Viability of the element:

It is very high. Its social and cultural importance is big, it provides across centuries huge spiritual-ethical energy to our people, especially to youth.

A handwritten signature in black ink, appearing to read "F. M. S." or a similar identifier.



“APPROVED”

Sh. Yoldashov, Director a.i.,
Republican Scientific-Methodological
Center for Folk Art

18 March 2013

**NATIONAL ICH LIST
of the Republic of Uzbekistan**

| No. | Number of ICH element | Name of ICH element |
|--|-----------------------|--|
| Oral traditions and expressions | | |
| 1 | 01.01 | Myths |
| 2 | 01.02 | Legends |
| 3 | 01.03 | Stories |
| 4 | 01.04 | Tales |
| 5 | 01.05 | Fables |
| 6 | 01.06 | Parables |
| 7 | 01.07 | Proverbs |
| 8 | 01.08 | Tongue-twisters |
| Performing arts | | |
| 9 | 02.01 | <i>Maqom</i> art |
| 10 | 02.01.01 | <i>Shashmaqom</i> |
| 11 | 02.01.02 | Khorazm <i>maqoms</i> |
| 12 | 02.01.03 | Ferghana-Tashkent <i>maqoms</i> |
| 13 | 02.01.04 | Dutar-surnay style |
| 14 | 02.01.05 | <i>Feruz</i> |
| 15 | 02.01.06 | <i>Ushshoq</i> |
| 16 | 02.02 | Story-telling art of <i>Bakhshi</i> |
| 17 | 02.02.01 | <i>Doston</i> story-telling art |
| 18 | 02.03 | Uzbek classical music style |
| 19 | 02.03.01 | <i>Katta ashula</i> |
| 20 | 02.03.02 | <i>Suvora</i> |
| 21 | 02.03.03 | <i>Naqsh</i> |
| 22 | 02.03.04 | Uzbek classical music and <i>yalla</i> |
| 23 | 02.03.05 | <i>Tanovar</i> |
| 24 | 02.04 | Singing art |
| 25 | 02.04.01 | <i>Alla</i> (lullaby) |
| 26 | 02.04.02 | <i>Olan</i> |
| 27 | 02.04.03 | <i>Lapar</i> |
| 28 | 02.04.04 | <i>Terma</i> |
| 29 | 02.04.05 | <i>Mavrigi</i> |

| | | |
|----|----------|-----------------------------------|
| 30 | 02.04.06 | <i>Qarsak</i> |
| 31 | 02.04.07 | Ceremonial songs |
| 32 | 02.04.08 | <i>Khalfachilik</i> |
| 33 | 02.05 | Dancing art |
| 34 | 02.05.01 | Khorazm dance – <i>lazgi</i> |
| 35 | 02.05.02 | Bukhara dance |
| 36 | 02.05.03 | Surkhon dance |
| 37 | 02.05.04 | Ferghana Valley dance |
| 38 | 02.06 | Performance art |
| 39 | 02.06.01 | <i>Dorbozlik</i> (rope-walking) |
| 40 | 02.06.02 | <i>Askiya</i> |
| 41 | 02.06.03 | Singing |
| 42 | 02.06.04 | <i>Maskharaboz</i> art (clown) |
| 43 | 02.06.05 | <i>Oghirchoqbozlik</i> (Puppetry) |
| 44 | 02.06.06 | Folk games |

Social practices, rituals and festive events

| | | |
|----|----------|--|
| 45 | 03.01 | Family rituals |
| 46 | 03.01.01 | <i>Beshik</i> ceremony |
| 47 | 03.01.02 | <i>Sunnar</i> or <i>khatna</i> (circumcision ceremony) |
| 48 | 03.01.03 | <i>Muchal</i> birthday ceremony (according to twelve-year calendar cycle) |
| 49 | 03.01.04 | <i>Nikoh</i> (wedding ceremony) |
| 50 | 03.01.05 | <i>Yuz ochildi</i> ceremony |
| 51 | 03.02 | Seasonal rites |
| 52 | 03.02.01 | <i>Navruz</i> |
| 53 | 03.02.02 | <i>Sumalak</i> festivity |
| 54 | 03.02.03 | First snowdrop blossoming ceremony |
| 55 | 03.02.04 | <i>Ramazon</i> |
| 56 | 03.02.05 | <i>Sust khotin</i> |

Knowledge and practices concerning nature and the universe

| | | |
|----|----------|--------------------------------------|
| 57 | 04.01 | Seasonal rites |
| 58 | 04.01.01 | Ceremonies calling for rain and wind |
| 59 | 04.01.02 | <i>Choy momo</i> |
| 60 | 04.02 | Cultural spaces (reserves) |
| 61 | 04.02.01 | Cultural Space of Boysun |
| 62 | 04.02.02 | Sarmishsoy |
| 63 | 04.03 | Traditional medicine |

Traditional craftsmanship

| | | |
|----|-------|-----------------|
| 64 | 0.5 | Craftsmanship |
| 65 | 05.01 | Gold embroidery |
| 66 | 05.02 | Patchwork |
| 67 | 05.03 | Metal engraving |



| | | |
|-----------|-------|---------------------|
| 68 | 05.04 | Carpet-weaving |
| 69 | 05.05 | Skullcap embroidery |
| 70 | 05.06 | Puppet-making |
| 71 | 05.07 | Pottery |
| 72 | 05.08 | Gypsum carving |
| 73 | 05.09 | Wood carving |
| 74 | 05.10 | Majolica art |
| 75 | 05.11 | Embroidery |

**List of ICH
in need of urgent safeguarding**

1. *Doston* story-telling art

**ICH elements recommended for inclusion into the UNESCO's Representative
List of Intangible Cultural Heritage of Humanity**

- 1. *Askiya*
- 2. *Lapar*
- 3. *Khalfachilik*
- 4. Story-telling art of *Bakhshi*



Демирбаки

Ўзбекистоннинг Номоддий маданий мерос объектларининг янгиланган миллий рўйхатидан кўчирма



1. Элементнинг номи:

НАВРЎЗ, Наврўз – умумхалқ байрами.

2. Миллий рўйхатга киритилиш санаси ва рақами:

“Navruz” Миллий рўйхатга 2008 йилда №03.02.01. рақам билан киритилган ва Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан 2013 йил 18 март янгиланган.

3. Соҳалари:

- Ўзликни намоён этишнинг оғзаки шакл ва анъаналари;
- Ижрочилик санъати;
- Жамиятнинг урф-одатлари, маросим ва байрамлари;
- Табиат ва коинот билан боғлиқ урф-одатлар;
- Анъанавий хунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар.

4. ЮНЕСКО Репрезентатив рўйхатига киритилган сана:

2009 йил 28 сентябрь - 4 октябрь кунлари ўтказилган Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитасининг 4-сессияси карори билан ЮНЕСКО Репрезентатив рўйхатига киритилган. 2010 йилда 21 март БМТ томонидан Халқаро Наврўз куни деб эълон қилинган.

5. Географик қамрови:

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудлари.

6. Ҳамжамиятлар, гурӯҳлар ва шахслар томонидан тақдим этилиши:

Ўзбекистон Республикасининг ҳамма аҳолиси.

7. Ким томонидан тақдим этилиши (тасдиқномалар):

- Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви – нодавлат ташкилоти, кариб 10000та маҳаллани қамраб олган, раиси – Айвар Аҳмедов (манзил: Ўзбекистон, 100000, Тошкент шаҳри, Моварауннахр кўч., 6);
- "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси – Ўзбекистонда маҳаллий ҳамжамиятларда миллий меросни саклаш билан шуғулланадиган нодавлат ташкилоти, раиси – А.Каримов (манзил: Ўзбекистон, 100113, Тошкент, Қатортол кўч., 21).

8. Элемент ҳақида маълумот:

Наврўз – Шарқ халқларининг умумий байрами, номоддий маданий мерос сифатида инсоният маданиятининг энг қадимги таркибий қисмларида биридир. Ўзбекистонда Наврўз ҳар йили 21-22 марта нишонланади, байрам нашидаси эса ундан олдин ва кейин ўтказиладиган турли тадбирлар туфайли бир неча кун давом этади. Наврўзда қишлоқ ва маҳаллаларда катта умумий зиёфатлар уюштирилади. Халқ хонанда ва созандалари, фольклор ва оиласи ансамбллар ўз санъатларини намойиш этадилар, ҳар тарафда Наврўз билан боғлиқ миллий куй ва оҳанглар янграйди, томоша санъати усталари – дорбозлар, қизикчилар, кўғирчокбозлар, масхарабозлар, аскиячилар, якка ўйинчилар ва ракс гурӯҳлари чиқишилари бўлади. Айнан Наврўз байрамида республикадаги барча халқларнинг маданий турфахиллиги, ижодини, барча халқларнинг ўзаро хурматини ва уларнинг маданий меросга бўлган эҳтиёткорона муносабатларини кузатиш мумкин. Наврўз йил янгиланадиган, табиат уйғонадиган, дехқонлар ва чорвадорлар учун янги меҳнат мавсуми бошланадиган, эзгу орзулар чаманидаги навжувон ниҳоллар чинордек бўй чўзадиган ажиб бир даврда нишонланади. Наврўзи олам ўз моҳиятига кўра тозарини, руҳий покланиш ва ҳаётнинг

бокийлигини тараннум этиш тантанаси сифатида ҳар бир инсоннинг юрагига якин, вужудида оқаётган ҳаётбахш жилгаларни бир-бирига пайванд қиласидиган ажаб бир фасл.

Наврўз асрлар давомида ҳалқимиз дилига ҳаётсеварлик, бунёдкорлик, меҳр-муруват, тинчлик, мўл ҳосил ва кут-барака гоясини сингдириб келган хусункор шодиёна яшариш ва янгиланиш, руҳий покланиш ва ҳаётнинг бокийлигига имон келтириш тантанаси ҳисобланади. Наврўзниң келиб чиқиши күёш культи ва само ёритқичларини кузатиш анъанаси билан бевосита алоқадорлигини тасдиқлади.

Наврўз байрами ўз таркибиға бойчечак, лола, қизил гул, қизғалдоқ билан алоқадор "гул сайиллари", йилнинг охирги чоршанбасида ўтказиладиган "охир чоршанба" удуми, ариқ-зовурлар тозаланиб, янги боғлар барпо этиладиган "ҳашар" анъанаси, йилбоши арафасида қилинадиган "қозон тўлди" удуми, илк кўклиамда далага биринчи марта кўш чиқариб, дон экиш одати – "шоҳ мойлар" маросими, етти хил дондан "наврўз гўжа" пишириш ҳамда етти хил кўкатдан кўк сомса тайёрлаш одати, аргимчоқ учиш, сумалак ва ҳалим тайёрлаш, варрак учираш, кўчкор, хўroz, тuya уриштириш анъаналарини ҳам ўз ичига олган муҳташам миллий қадриятимиз саналади. Бу удум ва анъаналарнинг ҳар бири ўзига хос рамзий маъно касб этган бўлиб, замирида аждодларимизнинг эзгу тушунчалари ётади. Наврўз байрамини тараннум этувчи асрий қўшиқ-айтимлар ва чолғу куйлари баралла янграб, бу муборак шодиёна билан боғлиқ удум ва анъаналар қайта тикланди.

Наврўз байрами энг қадим замонларда яшаган аждодларимизнинг эзгуликка йўғрилган эътиқодий қарашлари, тасаввур ва ишончларидан тортиб бугунги кундаги замондошларимизнинг яратувчанлик, бунёдкорлик ютуқларидан баҳра олиб тарақкий этиб келаётган муҳташам бадиий қадрият ҳисобланади. Зоро, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли маънавий тикланиш жараёни туфайли Наврўзи олам янада кўркамлашиб, янада тўлишиб, ўзининг асл ҳолига қайтиб, баҳордек тароват, офтобдек нурли йўл билан келгуси авлодлар сари бормоқда.

Юртимиз мустақилликка эришгандан кейин 1992 йилдан бошлаб ҳар иили Наврўз байрами ҳалқимизнинг энг қутлуғ ва ҳосиятли кунларидан бири сифатида кенг тантана қилинмоқда.

9. Элементнинг сақланиши ва тарғиб этиш услублари:

Наврўз байрами, у билан боғлиқ удум ва маросимлар, қўшиқ ва куйлар, асқия ва томоша санъатлари, ҳалқ ўйинлари, ракслар, ҳунармандчилик авлоддан-авлодга ўтиб, оила, махалла, туман, шаҳар ва вилоятлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари ва жамғармалари орқали сақланиб, тарғиб этилиб келинмоқда. Наврўз кўп миллатли Ўзбекистон ҳалқининг энг оммавий байрами, унда республиканинг барча аҳолиси – ёшлару кексалар, болалару ўсмирлар, эркаклару аёллар, турли миллатлар вакиллари қатнашиб, умумхалқ шодиёнаси сифатида нишонлайдилар. Асосий услублар – телекўрсатувлар ва радио эшиттиришлари, оммавий ахборот воситалари, илмий-тадқиқот ишлари, нашр этилдиган мақолалар ва китоблар.

10. Элементнинг ҳаётлигиги:

Жуда юқори. Унинг ижтимоий ва маданий аҳамияти катта, асрлар давомида ҳалқимизга, айниқса ёш авлодга жуда катта руҳий-маънавий кувват бераб келмоқда.



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Республика халқ ижодиёти ва
маданий-маърифий ишлар илмий-
методик маркази директори в.б.

Ш.Ёлдашов

2013 йил 18 март

**Ўзбекистоннинг Номоддий маданий мерос объектларининг янгиланган
МИЛЛИЙ РЎЙХАТИ**

| № | НММ объект раками | НММ объект номи |
|--|----------------------------------|----------------------------|
| Ўзликни намоён этишнинг оғзаки шакл ва анъаналари | | |
| 1 | 01.01 | Мифлар |
| 2 | 01.02 | Афсоналар |
| 3 | 01.03 | Ривоятлар |
| 4 | 01.04 | Эртаклар |
| 5 | 01.05 | Масаллар |
| 6 | 01.06 | Маталлар |
| 7 | 01.07 | Мақоллар |
| 8 | 01.08 | Тез айтишлар |
| Ижрочилик санъати | | |
| 9 | 02.01 | Мақомчилик санъати |
| 10 | 02.01.01 | Шашмақом |
| 11 | 02.01.02 | Хоразм мақомлари |
| 12 | 02.01.03 | Фарғона- Тошкент мақомлари |
| 13 | 02.01.04 | Дутор сурнай йўллари |
| 14 | 02.01.05 | Феруз |
| 15 | 02.01.06 | Ушишоқлар |
| 16 | 02.02 | Бахшичилик санъати |
| 17 | 02.02.01 | Достон ижрочилиги |
| 18 | 02.03 | Мумтоз ашула йўллари |
| 19 | 02.03.01 | Катта ашула |
| 20 | 02.03.02 | Сувора |
| 21 | 02.03.03 | Нақш |
| 22 | 02.03.04 | Мумтоз ашула ва ялла |
| 23 | 02.03.05 | Тановар |
| 24 | 02.04 | Қўшиқчилик санъати |
| 25 | 02.04.01 | Алла |
| 26 | 02.04.02 | Ўлан |
| 27 | 02.04.03 | Лапар |

| | | |
|----|----------|--------------------------|
| 28 | 02.04.04 | Терма |
| 29 | 02.04.05 | Мавриги |
| 30 | 02.04.06 | Қарсак |
| 31 | 02.04.07 | Маросим қўшиклари |
| 32 | 02.04.08 | Халфа |
| 33 | 02.05 | Рақс санъати |
| 34 | 02.05.01 | Хоразм рақслари - лазги |
| 35 | 02.05.02 | Бухоро рақслари |
| 36 | 02.05.03 | Сурхон рақслари |
| 37 | 02.05.04 | Фарғона водийси рақслари |
| 38 | 02.06 | Томоша санъати |
| 39 | 02.06.01 | Дорбозлик |
| 40 | 02.06.02 | Аския |
| 41 | 02.06.03 | Қўшиқчилик |
| 42 | 02.06.04 | Масҳарабозлик |
| 43 | 02.06.05 | Қўғирчоқбозлик |
| 44 | 02.06.06 | халқ ўйинлари |

Жамиятнинг урф-одат маросим ва байрамлари

| | | |
|----|----------|-------------------------------|
| 45 | 03.01 | Оилавий маросимлар |
| 46 | 03.01.01 | Бешик тўй |
| 47 | 03.01.02 | Суннат ёки хатна |
| 48 | 03.01.03 | Мучал тўй |
| 49 | 03.01.04 | Никоҳ |
| 50 | 03.01.05 | Юз очиди маросими |
| 51 | 03.02 | Мавсумий маросимлар |
| 52 | 03.02.01 | Наврӯз |
| 53 | 03.02.02 | Сумалак сайли |
| 54 | 03.02.03 | Бойчечак биринчи гул маросими |
| 55 | 03.02.04 | Рамазон |
| 56 | 03.02.05 | Суст хотин |

Табиат ва коинот билан боғлиқ урф-одатлар

| | | |
|----|----------|------------------------------|
| 57 | 04.01 | Йил фасли билан боғлиқ |
| 58 | 04.01.01 | Ёмғир қор ва шамол чақириш |
| 59 | 04.01.02 | Чой момо |
| 60 | 04.02 | Маданий мухит (қўриқхоналар) |
| 61 | 04.02.01 | Бойсун |
| 62 | 04.02.02 | Сармишсой |
| 63 | 04.03 | Анъанавий табобат |
| 64 | | |
| 65 | 0.5 | Хунарманҷчилик |
| 66 | 05.01 | Зардўзлик |
| 67 | 05.02 | Курокчилик |

| | | |
|-----------|-------|------------------|
| 68 | 05.03 | Кандакорлик |
| 69 | 05.04 | Гиламчилик |
| 70 | 05.05 | Дўпидўзлик |
| 71 | 05.06 | Қўғирчоқсозлик |
| 72 | 05.07 | Кулолчилик |
| 73 | 05.08 | Ганчкорлик |
| 74 | 05.09 | Ёғоч ўймакорлиги |
| 75 | 05.10 | Майолика санъати |
| 76 | 05.11 | Каштачилик |

Анзор

**Зудлик билан муҳофаза остига олиниши лозим бўлган номоддий
маданий мерос объектларининг рўйхати**

1. Достончилик санъати

**Инсоният номоддий маданий меросининг Репрезентатив рўйхатига
тавсия этилаётган объектлар рўйхати**

1. Аския
2. Лапар
3. Халфачилик
4. Бахшичилик

A handwritten signature in blue ink, appearing to read "Халфачилик".